

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Uzcosmos ёш муҳандисларнинг креатив лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқда

Ўзбекистон ёшларининг технологиялар, муҳандислик, робототехника, инновация ва астронавтика бўлган қизиқишини янада орттириш, уларнинг бу борадаги ғоя, ташаббус ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Рақамли таълимни ривожлантириш маркази ва Skillbox компанияси билан ҳамкорликда “**Ёш муҳандис**” республика танлови ташкил этилди.

Жорий йилнинг 28 февраль санасидан старт берилган мазкур мусобақада **14 ёшдан 20 ёшгача** бўлган мактаб ўқувчилари ва талабалардан иборат жами **133 та жамоа** маиший ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берувчи **150га яқин** муҳандислик ишланмалари билан қатнашишди. Улардан энг муносиб дея саралаб олинган **50 та лойиҳа** якуний босқичига етиб келди.

Жорий йилнинг **2 май куни** Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги биносида “**Ёш муҳандис**” танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда республика бўйлаб сараланган **100 нафар** иштирокчи ғолиблик учун курашди.

Танлов давомида соҳа экспертларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари ёшларнинг муҳандислик ишланмаларини қуйидаги мезонлар асосида баҳолашди.

- Креатив, инновацион ёндашув;
- Лойиҳани амалиётга тадбиқ этиш;
- Лойиҳанинг илмий асослилиги;
- Лойиҳанинг ижтимоий ва экологик аҳамияти;
- Лойиҳанинг тақдимот сифати.

“**Ёш муҳандис**” танловининг финал босқичи натижалари бўйича қуйидаги жамоалар ғолиблар қаторидан жой олишди:

- 1-ўрин – Робототехника Reactive.uz (Қашқадарё)
- 1-ўрин – SunD3nova (Қорақалпоғистон Республикаси)
- 2-ўрин – Robbit kids (Қашқадарё)

3-ўрин – TUIT Robotics (Тошкент)

Энг инновацион лойиҳа – Аброрбек Баҳодиров

Энг истиқболли ёш муҳандислар – Sehriyo team жамоаси (Туркияга йўлланмани қўлга киритди).

Асосий соврин танловнинг гран-при соҳиблари, “Энг креатив лойиҳа” номинацияси ғолиби Туркиянинг Измир шаҳридаги ёзги космик лагерга саёҳат учун йўлланмани ютиб олишди.

Мазкур танлов натижалари шуни кўрсатадики, Uzcocosmos агентлиги томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар нафақат ёшларнинг техник билим ва кўникмаларини ривожлантиришга, балки уларнинг реал муаммоларга инновацион ечимлар топиш салоҳиятини ҳам оширишга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, “Ёш муҳандис” танлови орқали шаклланаётган лойиҳалар фақат назарий ғоя даражасида қолмай, балки амалиётга жорий этиш имкониятига эга бўлган ишланмалар эканлиги билан аҳамиятлидир. Бу эса келажакда мамлакатнинг технологик мустақиллиги, инновацион иқтисодиёт ва космик саноат салоҳиятини мустаҳкамлашда катта замин яратади.